

UDK 37.02

Z.Azamova, lecturer,  
З.Аъзамова, ўқитувчи,  
S.Nabijonova, student,  
С.Набижонова, талаба,  
M.Suyumova, student,  
М.Суюмова, талаба,

Fergana State University, Uzbekistan

Фарғона давлат университети, Ўзбекистан

### **INCREASING FAMILY RESPONSIBILITY IN THE FORMATION OF A HARMONIOUS GENERATION-PERIOD REQUIREMENT**

**Annotation:** the child sees the socio–spiritual image of society in the person of the family, first realizes the essence of the demands of society among this small community. Family relationships do not provide for the mental, mental maturation of children, but also create a kind of activity in parents.

**Keywords:** family, society, social relations, profession, circle, psyche.

### **БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ**

**Аннотация:** Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий–маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида англайди. Оилавий муносабатлар фарзандларнинг аклий, руҳий камолотини таъминлаб қолмасдан, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради.

**Калит сўзлар:** оила, жамият, ижтимоий муносабатлар, касб, тўғарак, руҳият.

Жамият ва оила тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Оила ҳамда жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар икки томонлама алоқадорлик хусусиятига эга. Ҳар бир оила умумжамят талаблари асосида фаолият юритади. Жамият тараққиётининг ривожини эса унинг бағрида мавжуд бўлган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий

қиёфасининг шаклланганлик даражасига бевосита боғлиқдир. Чунончи, ижтимоий борлиқнинг оилалар зиммасига қўядиган талаблари уларнинг манфаатларига зид бўлмаса, аксинча, оилалар фаровонлиги, тинчлигини таъминлашга ёрдам берса, оилалар томонидан ижтимоий талабларнинг қўллаб қувватланиши, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш кўрсаткичи вазифаси юқори бўлади. Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий–маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида англайди.

Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлаб қолмасдан, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиш ҳамда фаолиятлари доираси кенгаяди, ўзаро алоқалари бойиб боради, реал ҳаёт мазмунини чуқурроқ англаш, яъни фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини кўриш ҳолати рўй беради.

Оиладаги муҳит, энг аввало, уни ташкил этувчилар ўртасидаги самимий муносабатларнинг характериға боғлиқдир. Оилаларимизда ҳар томонлама соғлом муҳит ҳукмрон экан, фарзандларимиз баркамол вояга етадилар, фуқаролари баркамол жамият эса ҳеч қачон завол топмайди. Жамият таянчи соғлом оила бўлар экан, фарзандлари миллат даражасида тафаккур қилишға қодир бўлган бундай юрт барқарор тараққиёт йўлидан оғишмайди, амалға ошираётган барча ислоҳотларимиз албатта самара беради. Зеро, оилавий тарбия ва ундаги ота ва она масъулияти масаласи бизнинг қонунларимизда ҳам муҳрлаб қўйилган. Мамлакатимизнинг Бош Қомуси Конституциямизнинг 64- моддасида Ота-оналар ўз фарзандларини вояға етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашға мажбурдирлар деган норманинг мавжудлиги ҳам ота ва оналарға қонуний юкланган вазифадир.

Шундай қилиб, оила – бу эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасида шаклланган муносабатларнинг тарихий тизими, унинг аъзолари бир-бирлари билан қариндош-уруғчилик ва никоҳ билан боғланганлар.

Маълумки, оила яхши ва маъқул анъаналар ва қадриятларни бузилмаган ҳолда сақлаб, уларни кейинги авлодга етказиш вазифасини бажариб келган. Шунга кўра, ҳозирги кунда ҳам оиланинг асосий вазифаларидан бири миллатга хос бўлган авлодлар тарбиясидаги узлуксизликни таъминлаб беришдир. Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга албатта ўз таъсирини кўрсатади. Оиладаги хайрихоҳлик, ўзаро муносабат атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу мерос бугунги авлодни инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ёшларимиз бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ўқув дастурларидан олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида уларни мактаблардаги фан тўғараклари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб қилиш жумладан спорт ва мусиқа мактаблари ва мактаблар қошидаги тўғаракларга, шу билан биргаликда миллий халқ ҳунармандчилиги тўғараклари тармоқларини кенгайтириш, халқ усталарини тўғарак ишига жалб этиш, ушбу тўғаракларни кўпроқ мактаблар, маҳаллалар ҳамда ижодий устахоналар қошида ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор бериш, маҳаллаларда ҳунармандлар билан болалар тарбиясини боғлаб, нонвойлик, наққошлик, дурадгорлик, каштачилик ва бошқа ҳунарларга болаларни қизиқтириш, шундай касбни билган оилаларга болаларни бириктириш, маҳаллаларда имкони бўлса, ҳунар ўргатадиган марказлар ташкил этиш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ўрганиб, ижодий имкониятларини ривожлантиришга мўлжалланган турли тўғараклар, клублар ва секциялар ташкил этиш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, таълим муассасаларидаги кутубхоналарни бадиий адабиётлар билан бойитиш, ўқувчилар қизиқишига қараб, тўғараклар сонини ва ёзги дам олиш оромгоҳларига кўпроқ жалб этишни йўлга қўйиш, барча ўқув фанлари

асосида тўғараклар ташкил этиш ва тарбияси оғир болаларни жалб этиш орқали самарага эришиш, ўқувчилар иқтидорини янада такомиллаштириш мақсадида турли оммавий тадбирлар, мусобақалар ва кўрик-танловлар ўтказиш йўли билан маданий меросимизга ҳурмат, она-Ватанга, унинг рамзларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим роль ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.

2. Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O'ZBEKISTONDA PENSIYA TA'MINOTI TIZIMINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM JIHATLARI. *Интернаука*, (7-2), 91-93.

3. Хамрақулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.

4. A'zamova, Z., & Nuriddinova, Z. (2022). O'ZBEKISTONDA NOGIRONLIGI BO'LGAN SHAXSLARNING HUQUQ VA KAFOLATLARI. *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 2(18), 176-182.

5. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, 2, 49.

6. A'zamova, Z. (2022). ERTA IJTIMOIY YETIMLIK VA UNING OQIBATLARI. *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 2(18), 172-175.

7. Хамрақулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 140-146.

8. Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). The world in reforming the pension system use of existing pension system models in practice. *Наука сегодня: вызовы и решения* [Текст]: материалы меж, 50.

9. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).

10. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.

11. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).

12. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).

13. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).

14. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* [Текст]: мате, 34.

15. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.

16. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 780-783.

17. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, 2, 49.